

ЕТТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЁЗЁВОН ТУМАН КЕНГАШИННИГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ БҮЛИБ ЎТДИ

Кун тартибидаги масалалар бўйича Халқ депутатлари Ёзёвон туман Кенгашига партиялардан сийланган депутатлар рўйхатга олинди.

Шундан сўнг, Халқ депутатлари Ёзёвон туман Кенгашининг биринчи сессияси кун тартибида навбатдаги масала – вилоят ҳокимининг туман ҳокимини тайинлаш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Амалдаги қонунчиликка асосан туман, шаҳар ҳокимлари вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Сессия ишида иштирок этган вилоят ҳокимининг 1-уринбосари Ҳабиб Сирожитдинов томонидан туман ҳокимини тайинлаш тўғрисидаги вилоят ҳокимининг қарори ўқиб эшиттирилди.

Туман ҳокими лавозимига номзод Джалилов Дилшоджон Турсунмуродович томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастури тақдимот қилинди.

Номзод бўйича депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Депутатлар томонидан Ёзёвон тумани ҳокими лавозимига Джалилов Дилшоджон Турсунмуродович номзоди тасдиқланди.

2024-11-08 16:30:14